

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА
ҒЎЗАДАН ЮҚОРИ ҲОСИЛ ЕТИШТИРИШНИНГ
ИНТЕНСИВ АГРОТЕХНОЛОГИЯСИ БЎЙИЧА ИЛҒОР
ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИНГ
ТАВСИЯЛАРИ**



Қорақалпоғистон Республикаси шароитида ғўзадан юқори ҳосил етиштиришда қўлланиладиган агротехник тадбирлар инновацион ва илмий тавсияларга асосланган ҳолда олиб бориш зарур.

Пахтачиликда инновацион ва интенсив технологияларни қўллаш натижасида Қорақалпоғистон Республикаси шароитидан 50-55 ц/га ва ундан ҳам юқори 65-70 ц/га гача пахта хом ашёси етиштириш мумкинлиги 2025 йил мавсумида катта майдонларда ўз исботини топди ва бир қатор фермерлар юқори ҳосилдорлик ҳамда иқтисодий даромадга эришди.

Қорақалпоғистон Республикаси тупроқ-иқлим шароитида ғўзадан юқори пахта ҳосили етиштиришда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроққа кузда ва эрта баҳорда сифатли ишлов бериш, минерал ўғитлар ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, чигит экишдан ҳосилни йиғиб олишгача даврда илмий асосланган интенсив ва инновацион агротехнологияларни кенг жорий этиш, ҳар бир агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, техника ва механизмлардан самарали фойдаланган ҳолда ёндашишни талаб этилади.

Пахтачиликда асл фермер ёки деҳқон кейинги йил ҳосилини жорий йилнинг куз ойларидан бошлаб иш тутиши лозим. Шундагина белгиланган марраларга ва юқори ҳосилдорликка эришиб, иқтисодий барқарор фермер хўжалигига айланади.

Бунинг учун қуйидаги илмий асосланган интенсив ва инновацион агротехнологияларга тўлиқ амал қилиши шарт.

Ерларни шудгорлашга тайёрлаш.

Энг аввало, экинзорлар ғўза поялари ва бошқа ўсимлик қолдиқларидан тозаланиши ёки улар махсус майдалаш агрегатларида майдаланиб экинзорларга сепилади.

Бу ишларни **ноябр ойида** амалга ошириш лозим.

Экинзорларни ғўза пояларидан тозалашда КВ-4,0 ва КВ-3,6 поя юладиган агрегатлардан, уларни майдалаб ерга сочишда КИ-1,2 ва КИ-1,8 маркали махсус майдалайдиган агрегатлардан фойдаланилади.

Ўза етиштиришни тўлиқ механизациялаш учун дала контурларини катталаштириш, юқори унумли ҳайдов техникалари, чигит экиш сеялкалар ва энг муҳими пахта териш машиналаридан самарали фойдаланишга эришиш лозим.

Бунинг учун ҳар бир фермер хўжалиги пахта етиштирадиган майдонларда кичик контурлар орасидаги челларни олиши, керакмас суғориш ариқлари ва коллекторларни кўмиб, далани катталаштириши шарт.

Дала майдонлари атрофини переметрлари бўйича ва суғориш ариқларини бегона ўтлар қолдиқларидан тўлиқ тозалаши ҳамда суғориш ариқларини бетонлаштириши керак.

Шудгор олди ўғитлаш. Шудгорлашдан олдин тупроқнинг ҳолатидан келиб чиққан ҳолда маҳаллий ўғитлардан (гўнг гектарига 15-20 тонна ёки компост гектарига 20 тонна миқдоридан) бериш тавсия этилади. Маҳаллий ўғитларни экинзорларга сепишда РТО-4, РОУ-6 маркали махсус машиналардан фойдаланилади.

Кузги шудгорлаш. Кузги шудгор кейинги йил мўл ҳосил етиштиришнинг замини эканлигини унутмаслик керак.

Кузги шудгорлашни ўз муддатида ва сифатли ўтказилгандагина юқори ҳосил етиштириш имкониятига бир қадам бўлишини тушунган ҳолда бу тадбирни сифатли ўтказиш лозим.



Шудгорлашда дала майдонларини конверт қилиб. Тўрт бурчак қилиб ҳайдашга эришиш керак.

Бунинг учун учундала бурчакларини қолдирмаслик. Дала чети, хусусан дала контурининг переметри текис бўлмаса переметрини ва дала четини қолдирмасдан сифатли ҳайдаш керак.

Кузги шудгорлашга киришишдан олдин ҳайдов техникалари ва плугларни соз ҳолатга келтириш, хусусан плугларни лимехларини алмаштириш, чимқирқарларини ўрнатиш, дала доскаси, отваллардаги таянчларни ўрнатиш талаб этилади.

Қорақалпоғистон Республикасининг тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда ҳайдаш чуқурлиги механик таркиби оғир ўтлоқли тупроқларда **40-45 см**, механик таркиби ўрта тупроқларда **35-40 см** ва механик таркиби енгил тупроқларда **30-35см** чуқурликда амалга ошириш тавсия этилади.

Кузги шудгорлашнинг **мақбул муддати** эса **ноябр ойи** ҳисобланади.

Плуг товон (плужная подошва) бор ерларни шартли равишда қатлам чуқурлигига қараб 50-60 см чуқурликкача юмшатиш юқори самара беради.

Ерларни лазер ускунали ер текислагич билан текислаш.

Лазер ускунали ер текислагичлардан ўз вақтида ва тўғри фойдаланиш юқори натижаларга эришишга асос бўлади.



Пахта майдонлари лазерли текислагичлар билан текисланса, биринчидан сувдан фойдаланиш самарадорлиги ошиб, 15-20 фоиз сув иқтисод қилинади, даланинг сатҳи текис бўлгани учун экиладиган чигит сеялкадан бир хил чуқурликка тушади ва бир текис қийғос униб чиқади, ниҳоллар соғлом ва бақувват бўлади, ўсимлик амал даврида дуркун ўсиб ривожланади, юқорит пахта ҳосили етиштирилади.

Шунинг учун, лазерли ер текислагичлар билан текислашда кузги шудгор қилиб, оддий ер текислагичлар билан камида ± 15 см текисликка келтирилган ерларни $\pm 5-10$ см қалинликда кетма-кет олиб текислаш йўли билан шўр ювиш давригача ишлатиш зарур.

Тупроқ шўрини ювиш. Қорақалпоғистон Республикаси тупроқлари турли даражада шўрланган бўлиб, ерларнинг шўрланишига ер ости сувларининг жойлашиш чуқурлиги ва уларнинг минераллашганлиги катта таъсир кўрсатади.



Шунинг учун тупроқ шўрини ювиш ишлари куз ва баҳор ойларида сифатли ўтказилиши керак. Бунда шўр ювиш муддатлари ва меъёрларига алоҳида эътибор бериш лозим.

Кучсиз шўрланган ерлар бир марта (2500-3000 м³/га меъёрда, феврал-март ойида), ўртача шўрланган ерлар икки марта (3500-4500 м³/га меъёрда, декабр-март ойларида) ва кучли шўрланган ерлар уч марта (5500-6000 м³/га меъёрда, декабр-март ойларида) ювилади.

Дала текислиги тупроқ шўрини ювишда катта аҳамиятга эга. Чунки фақат текис жойдагина шўрни яхши ювиш мумкин.

Мавсумга техника ва қишлоқ хўжалиги механизмларини тайёрлаш.

Пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил етиштиришда техника ва механизмларнинг мавсумга тайёрлиги ўта муҳим аҳамиятга эгадир.

Акс ҳолда носоз ёки сифатсиз таъмирланган техника ва механизмлар мавсумда ишга туширилса. Пахта майдонлари экишга сифатсиз тайёрланиб, ниҳоллар текис униб чиқмаслиги ва ҳосилдорлик паст бўлишига олиб келади. Фермерларимиз буни унутмаслиги керак.



Яна бир ҳолат таъмирланмаган техника акмал даврида далада тез-тез бузилиш оқибатида самарадорлиги кескин пасайиб, ер тайёрлаш ва экиш ишлари кечикиши, ёки узок муддат давом этиши оқибатида ерларнинг табиий нами пасайиб ниҳоллар сийрак бўлиш эҳтимолини кўпайтиради.

Шунинг учун фермер хўжалиги ўзига қулай ва яқин бўлган устахонага балансидаги мавжуд техника ва механизмларни олиб бориб, сифатли таъмирлаб мавсумга соз ҳолатга келтириб қўйиши ва мувофиқлик сертификатларини олишлари лозим.

Фермер хўжалиги раҳбари 2026 йилда пахта етиштиришда интенсив ва инновацион агротехнологияни қўллашнинг инобатга олиб, зарур бўлган замонавий техника ва механизмларини харид қилиши учун ҳозирдан Узагролизинг билан шартномалари тузиши, зарур бўнак маблағларини ўтказиши керак. Бу ишларини жорий йил якунигача амалга ошириши мақсадга мувофиқдир.

Эрта баҳорда ерларни экишга тайёрлаш ва экиш учун тайёргарлик ишларини амалга ошириш.

Бунинг учун, фермер хўжалиги раҳбари аввало пахта экиладиган майдонларини агроплатформа тизимига киритади ва пахта-тўқимачилик кластерлари билан 2026 йилда пахта етиштириш бўйича шартномани платформа орқали тузади.

Агробанк ёки хизмат кўсатувчи тижорат банклар билан имтиёзлик кредит шартномасини имзолайди ва экиладиган навини танлаб уруғлик етказиб берувчи ташкилотлар билан уруғлик чигит хариди бўйича шартнома тузади.

Тижорат банклари томонидан белгиланган тартибда 2026 йил ҳосили учун имтиёзли кредит ажратилган маблағлардан самарали фойдаланиб, экиш учун зарур бўлган минерал ўғитлар турларини, гербицидлар, ўсишни соловси органик, биоорганик, кимёвий препаратлар, макро ва микро элементларга бой кимёвий воситалар, ўсиш ва ривожланишни бошқарувчи препаратлар ҳамда бошқа зарур воситалар захирасини яратади.

Сув тежовчи технологияларни жорий этиш учун таъминотчи ташкилот билан шартномаларини имзолайди ва эрта баҳоргача ўрнатилишини ташкил этади.

Зарур миқдорда чигитни плёнка остида экишга мўлжалланган полиэтилен плёнкалари ва томизгичли шланглари харид қилиб қўяди.

Чигитни плёнка остида томчилатиб суғориш шланглари тўшаб экадиган замонавий чигит экиш сеялкаларини фермернинг ўзи ёки 3-4 та фермерлар бирлашиб харид қилади.

Бу ишларни амалга оширишда фермер хўжалигига бириктирилган илғор фер хўжалиги раҳбари амалий ёрдам бериб боради.

Илғор фермер хўжалиги раҳбари ўзига бириктирилган фермерлар билан мунтазам учрашиб боради ва уларни ўзини интенсив ва инновацион пахта етиштириш агротехникаси бўйича билим ва кўникмаларини ошириб боради.

Илғор фермернинг билим ва кўникмаларидан фойдаланишни хохламаган ёки уни рад қилган фермер хўжалиги ҳақида илғор фермер туман ҳокимига ахборот киритади ва туман ҳокимлиги белгиланган тартибда қоқок фермерга чора кўради.

Ўза майдонларини эрта баҳорда экишга тайёрлаш ва чигит экиш.

Кузги шудгор қилиниб шўри ювилган майдонлар баҳорда икки қаторли зиг-заг борона билан 8-10 см чуқурликда борона-мола қилинади. Шундан кейин ерлар чизель-культиваторлар билан 22-25 см чуқурликда чизелланади ёки дискли борона билан шу чуқурликда ишлов берилади.



Кузги шудгор қилинмасдан шўри ювиладиган майдонлар (кучли даражада шўрланган, қумли ва ботқоқлашиб бораётган ўтлоқ аллювиал тупроқлар) да ер пайдо бўлиши билан челлар текисланиб, икки ярусли плуглар ёрдамида 30-35 см чуқурликда эрта баҳорда ҳайдалади.

Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий туманларида ерни экишга тайёрлашда ўзига хос агротехник тадбирлар ўтказиш талаб этилади. Дала чизелланиб, борона босилгандан сўнг, мола билан кўндалангига икки марта мола ўтказилади. Айрим далаларда ушбу тадбир 3-4 марта ва ундан кўп ўтказилиши мумкин.

Республиканинг шимолий туманларида ўтлоқ аллювиал, тақир ва ботқоқлашиб бораётган ботқоқ ўтлоқ тупроқлар кенг тарқалган. Ушбу туманларда дала эрта баҳорда етилиши билан челлар текисланиши керак. Ундан сўнг кўндалангига икки қаторли борона билан борона қилинади. Бошқа агротехник тадбирлар жанубий туманлардагидек амалга оширилади. Куз ва қиш ойларида тўпланган намликни эрта баҳорда сақлаш мақсадида бороналаш талаб этилади.

Юқори унумли замонавий чигит экиш сеялкалари экиш билан бирга минерал ўғитларни далага киритишга мослашган. Агарда маълум сабаб билан минерал ўғитларни сеялкада киритиш имкони бўлмаса унда, эрта баҳорда ерларни чизеллашдан олдин фосфорли ўғитларнинг йиллик меъёридан 70% (100-120 кг/га фосфор соф ҳолда, аммофос ўғити 200-250 кг/га миқдорида), калийли ўғитнинг 50% (50-65 кг/га калий соф ҳолда ёки гектарига 120-150 кг калий хлор ўғити) махсус мосламалар ёрдамида сепилади.

Чигитларни экишга тайёрлаш.

Уруғлик чигит тайёрлашга алоҳида аҳамият бериш лозим. Бунда ҳосилдорлиги 95 фоиздан



юқори бўлган сифатли уруғлик чигит экиш тавсия этилади. Уруғлик чигитлар махсус пахта тозалаш заводларида элақдан ўтказилади, калибрланади ва дорилаб сақланади.

Уруғлик чигит тайёрлаш заводларида тукли ва туксизлантирилган чигитларга биостимуляторлар Т-86 10 г/т, ТЖ-85 20 г/т, Нитролин 6-8 л/т, Унум 1,5-2,0 мл/т, Гумимакс 0,8-1,0 л/т, Витавакс 200 ФФ 5 л/т каби препаратлар билан ишлов берилса, ноқулай об-ҳаво ва тупроқ шароитларида ҳам чигитнинг унувчанлигини оширади. Илдиз тизимини яхши ривожлантиради ва тупроқнинг табиий намлигидан унумлироқ фойдаланиши ҳисобига унинг ўсиши ва ривожланиши тезлашади.

Қорақалпоғистон Республикасида чигит экишнинг оптимал муддати жанубий туманларда 1-20 апрель, шимолий туманларда 10-30 апрель оралиғига тўғри келади. Экиш ишларига тупроқнинг 10 см чуқурлигидаги ҳарорат ўртача очикда экилса 12-13 °С да **тукли**, 14 °С даража бўлганда, плёнка остида экилса 10-11 °С даража бўлганда **туксиз** чигитлар экишга киришилади. Чигит экишни тупроқ тури ва механик таркибига қараб тақсимлаб ўтказилади. Енгил қумлоқ, тошлоқ ерлар тез етилиб исийди. Шунинг учун экишни ўша тупроқлардан бошлаш керак. Тупроқ тури ва унинг механик таркибига боғлиқ ҳолда чигит экишга тақсимланган ҳолда амалга оширилади. Бунда механик таркибига қараб туксиз чигит 3-4 см, тукли чигит 4-5 см чуқурликда экилади.

Туксизлантирилган чигитлар 25-30 кг/га, тукли чигитлар 55-60 кг/га меъёрда экилади. Ғўзани қўшқаторлаб экишни балл бонитети 30-40 ва 50 балли текис, механик таркиби енгил ва ўртача тупроқларда кўп йиллик ва бир йиллик ёввойи ўтлар камроқ учрайдиган далаларга экиш юқори самара бериши аниқланган.

Ғўзани плёнка остида 76x10 схемада қўшқаторлаб ёки 76 см қатор оралиғида яккақаторлаб экилганда, бир йиллик ва кўп йиллик бегона ўтларга қарши "Стомп" (33%) эмак гербициди гектарига 1-2 кг/га меъёрда тасмасимон усулда ишлатилади.

Бу усулда экилганда албатта чигит экиш даврида томизгичли суғориш шланглари ҳам сеялка ёрдамида сифатли тўшаш лозим.

Чигитни экиш даврида экиш сифатига алоҳида эътибор бериш керак.

Бунда далани конверт усулида экиш, хусусан дала боши ва охирида айланма йулакчаларини ҳозирдан пахта териш машиналарига мослаштириш ҳолда камида 12 метр кенликда кўндалангига экиш лозим.

Энг муҳими далани топдан чиқармасдан оби-тобида, чигитни эса белгиланган чуқурликда экишга эришиш ҳамда сеялка қатор оралари бир хил ростланган ҳолда экишни амалга ошириш лозим.

Яганалаш. Далаларда ўсимлик кўчатлари тўлиқ ундириб олингандан кейин тупроқ шароити ва ғўза навларининг биологик хусусиятларига қараб яганалашга киришилади.

Яганалашнинг энг мақбул муддати ғўза ниҳолларида 1-2 та чинбарг ҳосил бўлганда ўтказилиши ҳисобланади. Кўчатларни яганалаш ўз вақтида олиб борилса ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши жадаллашади, озуқа элементлари билан таъминланиши яхшиланади, эртанги мўл ва сифатли ҳосил олинади.



Қорақалпоғистон Республикасининг тупроқ иқлим шароитида интенсив технологиялар жорий қилинган майдонлардан **180-240** минг кўчат қолдириб яғаналаш мақсадга мувофиқдир.

Ѓўза қатор орасига ишлов бериш. Сув кам шароитда ғўза қатор ораларига ишлов беришда энг аввал культиватордаги ишчи органлар сонига эътибор бериш керак. Ѓўза қатор ораларига ишлов беришда культиваторда 5 та ғозпанжа, 8 та ККО, 20 та норальник, агар ёввойи ўт босган дала бўлса 20 та норальник ва 8 та пичоқ ўрнатилиб жами 33 та ишчи органлар билан ишлов бериш талаб этилади.



Ѓўза ниҳоллари 75-80 фоиз униб чиқиб қатор кўринганда, қатор ораларига биринчи ишлов бериш керак. Биринчи культивацияда тупроққа сифатли ишлов берилса, униб чиқмаган 20-25 фоиз ниҳоллар униб чиқиши тезлашади, тупроқ юмшоқ бўлиб, ўсимлик илдиз тизими яхши ривожланади.

Бу ўз навбатида гоммоз, илдиз чириш касалликлари билан зарарланишининг олдини олиб, ўсимликнинг яхши ўсишини таъминлаш билан бирга илдизи эркин ривожлангани учун ўсимликнинг сувсизликка чидамлилигини оширади, суғориш муддати 10-15 кун кейинга сурилади, сув 10-15 фоиз тежалади.

Қорақалпоғистон Республикаси тупроқ-иқлим шароитида ғўзани парваришлашда биринчи сувгача камида 3-4 марта қатор ораларига ишлов бериш, 1-2 марта чуқур юмшатиш керак. Бунда ғўза 2-3 марта культивация қилинади, 2 марта озиклантирилади, 1-2 марта чуқур юмшатиш ўтказилади. Ҳар бир далага 10-12 кунда ишлов бериш ўсимлик иссиқлик ҳароратини кўпроқ ўзлаштиришини яхшилайти ва дуркун ҳамда соғлом ўсиб ривожланишини таъминлайди.

Сувдан-сувгача ғўза қатор орасига 2 марта ишлов берилади, иккинчи ишловда культиватор ишчи органлари тўлиқ ҳолатда ўрнатилиб, кейинги суғоришга ариқ олинади. Суғоришдан кейин тупроққа асосан боронка ёки кўп миқдорда ККО ўрнатилиб, 12-14 см чуқурликда ишлов бериш, ортикча намлик буғланишининг олди олинади ва тупроқда намлик яхши сақланади.

Бу эса суғоришлар орасидаги муддатни 4-5 кунга узайтиришга ҳамда ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосил тўплашига зарар етказмаган ҳолда мавсум давомида бир мартагача суғориш сувини тежашга йўл очади. Сувдан фойдаланиш самарадорлиги 15-20 фоизга ва пахта ҳосили 3-4 ц/га ортади.

Ѓўзани озиклантириш. Ѓўзани минерал ўғитлар билан озиклантиришда, фосфорли ва калийли ўғитларнинг йиллик меъёри мўлжалланган ҳосил учун белгиланган азотли ўғитларнинг йиллик меъёрларига (NPK-1,0:0,7:0,5) нисбатидан олинади ҳамда тупроқдаги ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчан калий миқдорларига боғлиқ ҳолда тақсимлаб солинади.



Минерал ўғитлар меъёрларини белгилашда етиштирилдиган ҳосил миқдорига, тупроқ унумдорлигига, алмашлаб экишга, тупроқ эрозияси ва шўрланиш даражасига ҳамда озик элементларининг 1 тонна ҳосил учун сарфланиш миқдорига қараб белгилашни эътибор олиш лозим.

Қорақалпоғистон Республикасининг ҳар хил тупроқ иқлим шароитларида ғўзани озиклантиришда ўртапишар Султон ва эртапишар С-4727 ва КК-3535 навларининг биологик хусусиятларига аҳамият бериш керак. Бунда фосфорли ўғитларнинг 70 фоизи экиш билан бирга берилса ва қолган қисми гуллашда, калийли ўғитларнинг 50 фоизи экиш билан бирга берилса ва қолган қисми шоналашда солинади.

Биринчи озиклантиришда (3-4 чинбарг чиқарганда) гектарига соф ҳолда 40-50 кг азотли ўғитлар (аммиакли селитра - 120-150 кг/га ёки мочевина 90-110 кг/га ёки аммоний сульфат 195-240 кг/га) қўлланилади.

Иккинчи озиклантиришда ғўза тўлиқ шоналаган далаларда гектарига соф ҳолда 70-75 кг азот ва 30-50 кг калий бериш керак, бунда гектарига 210-225 кг аммиакли селитра ёки 150-160 кг мочевина ва 55-90 кг калий хлорид тузи ҳосил бўлади. Ғўзанинг шоналаш даврида ўғитларни ўсимликнинг 20-22 см ёнига ва 14-16 см чуқурликка солинади.

Эртапишар ғўза нави экиладиган майдонларда минерал ўғитлар билан озиклантиришда ўртапишар навларга нисбатан озиклантиришни 5-10 кун эртароқ ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Учинчи озиклантириш ғўза гуллаш даври бошланганда азотли ва фосфорли ўғитлар берилиши керак. Бунда гектарига соф ҳолда 70-75 кг азотли (аммиакли селитра 210-225 кг) ва 40-50 кг соф ҳолда фосфорни (аммофос 80-100 кг ёки оддий суперфосфат 280-350 кг ёки суперфос 170-215 кг) ҳосил қилади. Қўш қатор экилган майдонларда минерал ўғитлар солишда ернинг озуқа билан таъминланганлиги ва кўчат қалинлигидан келиб чиқиб 5-10% ошириш мақсадга мувофиқдир.

Интенсив усулда ёки плёнка остида томчилатиб суғориш технологияси қўллаб етиштириладиган ғўза майдонларида озиклантириш ишлари суғориш билан бирга амалга оширилади. Бунда ҳар суғоришда 70-100 кг/га меъёрда аммиакли селитра бериб борилади ва ғўза гуллагунга қадар озиклантирилади.

Ғўзани баргидан озиклантириш. Ғўза баргидан озиклантиришда камида 4-5 марта макро ва микро элементларга бой кимёвий воситалар, ёки органик ва биоорганик препаратлар ёрдамида ишлов берилади.

Ғўзани баргидан озиклантириш ишлари ўсимликда 2-3 та чинбарг чиққандан бошланади ва ҳар 7-10 кунда амалга ошириб борилиши лозим.

Ғўзага ўсишни бошқарувчи моддалар билан ишлов бериш. Ғўзанинг ўсиши билан ривожланишини бошқариб бориш билан юқори ҳосилдор пахта етиштириш мумкин. Тажрибаларда ғўзага камида 7-8 марта ўсишни бошқарувчи моддаларни қўллаш орқали юқори натижаларга эришиш кузатилган.

Бунда ғўза 4-5 чинбарг даврида гектарига мепикват хлорит таркибли препаратлардан 4-5 грамм, шоналашда 12-15 грамм, кейин эсаўсимлик бўйига қараб, ҳар бир сантиметр баланликка бир грамм ҳисоблаб сепиб борилади. Масалан, ғўза ўсимлиги бўйи 30 см бўлганда 25-30 грамм, 50 см бўлганда 45-50 грамм ва ҳоказо. Ғўза ғовлаши кузатилаётган майдонлар аниқланса, зудлик билан мутахассисларга мурожаат қилиб, тавсиларига мувофиқ препарат меъёрини ошириш мумкин.

Ғўзани суғориш. Турли тупроқ-иқлим шароитларида экинларни суғориш тупроқ турлари ва ер ости сувлари ҳажми бўйича гидромодул районларга бўлинади. Қорақалпоғистон Республикаси шароитида ғўзани механик таркиби оғир ерларда 1-3-1 схемада 5



марта, механик таркиби ўрта ерларда 1-2-1 схемада 4 марта ва энгил тупроқларда, дарё соҳили ерларда 0-2 (3)-1 схемада 3-4 марта суғориш талаб этилади.

Суғоришга сарфланадиган сув миқдори энгил (қумли ва қумлоқ) тупроқларда ғўза гуллагунча гектарига 700-750 м³, гуллаш ва кўсак тугиш даврида 900-950 м³, ўрта ва оғир тупроқларда ғўза гуллашгача 800-900 м³, гуллаш ва кўсак тўплаш даврида 950-1000 м³ меъёрда суғориш керак.

Суғориш давомийлиги энгил тупроқларда ғўза гуллагунча 10-12, ўрта ва оғир тупроқларда 12-14, гуллаш даврида 14-16 ва 16-18 соатдан ошмаслиги керак. Ариқлар узунлигини қисқартириш йўли билан далаларни бир текис намланишига ва сувдан тежамли фойдаланишга эришиш мумкин.

Сувдан самарали фойдаланишда суғоришни шарбат усулида ўтказиш керак. Шарбат усули қўлланилганда қийғос ғўзага озуқа бериш билан бирга, сувнинг буғланишини камайтиради ва тупроққа сингишини яхшилайдди.

Далани узунасига бир текис намлаш учун эгатлар узунлигини белгилаб ўзанлар олинади ва суғоришни даланинг этак қисмидан бошлаб энг охириг юқори қисмида тугашига алоҳида эътибор қаратилиши керак.

Ўзани суғориш технологиясининг самарадорлигини оширишда эгат оралатиб суғоришда сувни янада тежаш мақсадида эгатлар ўрнини алмаштиришни ташкил этиш тавсия этилади.

Плёнка остида экилган ва томчилатиб суғориш тизими жорий қилинган майдонларда ғўза 4-5 чинбарг давридан бошлаб суғориш бошланади, бунда ҳар бир суғоришда гектарига 300-350 м³ сув сарфлаб, 7-8 марта суғорилади.

Ўзани чилпиш. Ўзанинг ўсиш нуқтасини чилпиш (чеканка) жуда зарур агротехник тадбир ҳисобланади. Ушбу тадбир ўз вақтида ва сифатли ўтказилса ҳосил элементларининг тўкилишининг олди олиниши, тўлиқ кўсақларнинг кўпроқ шаклланиши ва эрта пишиб етилиши, пахта ҳосилининг гектарига 3-4 центнерга ортиши ва тола сифатининг юқори бўлишига эришилади.

Ўзани чилпишда бош поянинг ва ён шохларининг ўсиш нуқталари чилпиб олиниб этакларга (фартук) солинади ва даладан ташқарига чиқариб кўмиб ташланади. Шундай қилинганда ўзанинг зараркунанда кемирувчилари ҳам камайдди. Қўлда, уч марта ўтказилади ва аввал асосий ўсиш нуқтаси чилпилади, орадан 5-6 кун ўтгач қолган ғўзаларнинг ён шохлари ўсиш нуқталари чилпиб олинади.

Пахта майдонларини ҳосилни пахта териш машиналарида йиғиб олишга тайёрлаш. Аввало, август ойининг дастлабки ўн кунлигида ғўзада 10-15 фоиз кўсақлар очилганда кўсақлар очилишини тезлаштирувчи таркибида этефон моддаси бўлган кимёвий препаратлар билан ишлов берилади.

Ўза далаларида 60-65 фоиз кўсақлар очилганда эса (август ойининг учинчи ўн кунлиги) юмшоқ таъмир этувчи дефолшиантлар билан дефолиация қилинади ва сентябр ойининг иккинчи ўн кунлигида қаттиқ таъсир этувчи дефолиантлар билан десикация қилиниб, дала машина теримига тайёрланади.

Даланинг бош қисми ва охири айланма йулакларидаги пахта териб олиниб, ғўзапоядан толанади ва махсус текислагич агрегатлар ёрдамида текисланади.

Шундан кейин далада кўсақлар 100 фоиз очилгандан сўнг пахтаси машиналар ёрдамида териб олинади.



Илғор фермер хўжалигининг вазифалари. Илғор фермер хўжалиги ўзига бириктирилган фермер хўжаликлари билан қуйидаги тизимда иш юритади ва ўзига юкланган вазифаларни амалга оширади.

Биринчидан, ўзига бириктирилган фермер хўжаликларининг ер майдонларини ўрганади ва экинлар жойлаштирилишини тартибга солади.

Белгиланган тартибда агроплатформага экинларни контурлар кесимида жойлаштирилишига бириктирилган фермерларига амалий ёрдам кўрсатади.

Фермер хўжаликлари раҳбарлари билан бевосита мулоқот тарзида суҳбатлашиб, ўзининг фермер хўжалигида амалга оширилган ишлар ва эришилган ютуқларини етказади.

Интенсив агротехнологияларни ва инновацион янгиликларни жорий этишнинг пахтачиликдаги самарадорлигини ўқитиб, уларнинг билим ва кўникмаларини мунтазам равишда ошириб боради.

Пахтадан юқори ҳосил олишнинг интенсив ва инновацион технологияларни жорий этишда талаб этиладиган техникалар, моддий ресурслар захирасини яратиш борасида бириктирилган фермер хўжаликларига кўмаклашади.

Ўзида мавжуд юқори унумли ва замонавий техникалар билан ўзига бириктирилган фермерларга пуллик хизмат кўрсатади.

Ўзининг фермер хўжалигида амалга оширадиган барча агротехникаларни бириктирилган фермерларда тўлиқ жорий этади. Бир хил нав ва бир хил қатор оралари ва усулларда пахта етиштиришни йўлга қўяди.

Ўзининг билим савиялари ва кўникмаларини ошириб боради, хорижий давлатлар технологиялари янада чуқурроқ ўзлаштириб, ўзининг ердарида пахта ҳосилдорлигини камида ўтган йилга нисбатан 10 ц/га оширади.

Шунингдек, билим ва тажрибаларига суянган ҳолда бириктирилган фермер хўжаликларида пахтадан камида 50 ц/га ҳосил олишни таъминлайди.

Илғор фермерга бириктирилган фермерлар У билан ишлашни хохламаса, интенсив технологияларни жорий этишга қаршилик кўсатган тақдирда, илғор фермер зудлик билан ҳолат бўйича туман ҳокимига ахборот киритади.

Илғор фермерга бириктирилган фермер хўжаликларининг вазифалари. Илғор фермерга бириктирилган фермер хўжаликлари илғор фермерни устоз сифатида қабул қилади.

Устоз фермер томонидан пахтачиликда амалга ошириладиган илғор тажрибалари, интенсив агротехнология ва инновацион янгиликларни ўқиб, ўзлаштириб боради ва илғор фермер тавсиялари асосида 2026 йил ҳосили учун агротехник тадбирларни амалга ошириб боради.

Илғор фермер хўжалиги томонидан тавсия этилган технологияларни ўзининг фермер хўжалигида пахтачиликка қўллаш учун барча ташкилий тадбирларни амалга оширади.

Агротехник тадбирларни эса устоз фермер томонидан берилган кўрсатмалар асосида белгилаб берган муддатларда сифатли амалга оширади.

Интенсив технологияларни қўллашда Президент томонидан берилган барча имтиёзлардан самарали фойдаланади ва янги технологияларни жорий этиб бориб, йил якунида пахтадан камида 50 ц/га ҳосил олишни таъминлайди.